


**Данданакон жанги**

431 хижрий йил Рамазон ойининг 8-куни (1040 йил 23 май) Данданакон жанги ака-ука Тугрул-бей ва Чагри-бей бошчилигидаги Салжук кўшини ва Султон Масъуд кўмондонлигидаги Газнавийлар давлати кўшини ўртасида йирик жанг бошланди. Уч кун давом этган жангда Салжукийлар Газнавийлар лашкарини бутунлай маглубиятга учратдилар. Бу Салжуклар учун биринчи йирик галаба бўлиб, Олд Осиёда кенг кўламли Салжук фатхларининг бошланишидан дебоча бўлди.

Данданакондаги галабадан сўнг Тугрул-бей ва Чагри-бей Эрон, Афгонистон, Кавказ, Ирок ва Шаркий Анатолиянинг барча худудларини бирин-кетин забт этишди. Тугрул-бей

ўзини султон деб эълон килди, Чагри-бей эса Хуросон хукмдори бўлди. Газнавийлар давлати минтака сиёсий хаётида ўзининг етакчи ролини абадий йўкотиб, кичик бекликка айланди. XI аср ўрталарида Византия армиясига карши уруш олиб бориш ташаббуси Салжукийларга ўтган.

1071 йилда византияликлар Манцикерт жангида какшаткич маглубиятга учради ва кейинги ўн йил ичида Кичик Осиёдаги деярли барча мулкларини йўкотди. Янги салтанат – Салжукийлар империяси пайдо бўлди, унинг вориси эса, уч аср ўтиб Византия ва бошка кўплаб давлатларни тор-мор келтирган Буюк Усмонийлар империяси бўлади.

Абу Муслим таржимаси